

Фикр, тадаббур ва шукр



10:56 / 26.11.2025 862

Аллоҳ таолонинг неъматларига қаранг ва ўйлаб кўринг. Сиз қанчалар неъмат ичидасиз! Ҳар тарафингиздан неъматлар қамраб олган. Тананинг саломатлиги, ватаннинг тинчлиги, ҳалол ейиш-ичиш, мўътадил об-ҳаво, гўё бутун дунё ато қилингандек... Сизда тўла-тўқис ҳаёт бор эканини хатто билмайсиз ҳам. Кўз, тил, қўл, оёқлар ақл бовар қилмас неъматлардир. Сиз одамнинг икки оёқда юришини оддий нарса деб ўйлайсизми?

????????? ?????????? ?????????????? ???????????????

«Бас, Раббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!»
(Раҳмон сураси, 18-оят).

Сиз ухлаб роҳат оласиз, аммо қанча кўзлар дард ёки мусибат сабабли ухламайди. Сизнинг ошқозонингиз лаззатли таомлар билан тўла, бироқ қанча-қанча одамлар беморлик ёки йўқчилик боис овқат ея олмайди. Сизнинг қулоғингиз, кўзингиз соғлом, лекин баъзи инсонлар бу неъматлардан маҳрум. Атрофингизга бир боқинг, сиз қадрига етмаётган неъматлар учун кимлар бор дунёсини беришга тайёр. Сиз ўзингиз ҳам, биров: «Уҳуд тоғича олтин берай, эвазига менга бир кўзингни бер, деса,

сиз рози бўласизми?». Албатта, йўқ. Шунинг учун, эътиборли бўлинг, сиз канча улкан неъматларга эгасиз?!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«Мўминнинг ҳолатига ажабланаман. Унинг ҳар ҳолати яхшиликдир мўминдан бошқа ҳеч кимда бўлмайди. Агар унга бирор хурсандчилик етса, шукр қилади, бу унинг учун яхшиликдир. Агар бирор хафалик етса, унга сабр қилади. Бу ҳам унинг учун яхшиликдир».

Имом Муслим ривояти.

Яна бошқа бир ҳадиси шарифда шундай дейилади:

«Бандаларнинг Аллоҳ таолога энг суюмлиси мусибат келганда, сабр қилгувчи, неъмат берилганда, шукр қилгувчисидир».

Имом Табарий ва Имом Аҳмад ривояти.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/1912-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.